



The history of the development of exemption from criminal liability or punishment of minors

Ziyoda TURABAEVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 August 2023
Accepted 25 August 2023
Available online
15 September 2023

Keywords:

minor,
responsibility,
exemption from
punishment,
Law of the XII tables,
Shariah,
Program principles of Er
Riyadh

ABSTRACT

This article reflects the development trends of the institution of criminal liability or exemption from punishment of minors, the system of punishments imposed on minors, the rules for sentencing, and cases of exemption from liability and punishment from ancient times to the present day. This institution has a long period of development. The article reflects the issues of responsibility of minors starting from the Laws of Table XII and in Islamic law, the issues of the emergence of criminal liability and exemption from punishment in Shariah, the development of this institution in international law, and most importantly, the issues of criminal liability and exemption from punishment of minors in our country.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp194-203>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилишнинг ривожланиш тарихи

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

вояга етмаган,
жавобгарлик,
жазодан озод қилиш,
XII жадвал Қонуни,
шариат,
Ар-Риёд дастурий
принциплари

Ушбу мақолада қадимги даврдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврда вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш институтининг ривожланиш тенденцияси, вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими, жазо тайинлаш қоидалари, жавобгарликдан, жазодан озод қилиш ҳоллари акс эттирилган. Ушбу институт ўзининг узоқ ривожланиш даврига эга. XII жадвал Қонунидан бошлаб ислом ҳуқуқида вояга етмаганларнинг жавобгарлик масалалари, шариатда жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши ва жазодан озод қилиш масалалари, халқаро ҳуқуқда ушбу институтнинг

¹ Senior Lecturer, Tashkent State University of Law. E-mail: saarlandesziyoda@mail.ru

ривожланиши, ва энг асосийси, ватанимизда вояга етмаганларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш масалалари ёритилган.

История развития освобождения от уголовной ответственности либо наказания несовершеннолетних

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

несовершеннолетний, ответственность, освобождение от наказания, Закон XII таблиц, шариат, Программные принципы Эр-Рияд.

В данной статье рассмотрены тенденции развития института уголовной ответственности и освобождения от наказания для несовершеннолетних. Затрагиваются система наказаний, налагаемых на несовершеннолетних, правила назначения наказаний и случаи освобождения от ответственности с древних времен до настоящего момента. Институт имеет длительный период развития. В статье исследуются вопросы ответственности несовершеннолетних, начиная с Законов XII таблиц и законодательства в исламском праве, а также вопросы уголовной ответственности в шариате и международном праве. Особое внимание уделяется вопросам уголовной ответственности и освобождения от наказания несовершеннолетних в нашей стране.

Хорижий юридик адабиётларда 9-10 ёшли болаларни жазога тортилганини кўриш мумкин[1]. Афсуски, давлатнинг вояга етмаганларга бўлган жиноят-хуқуқий сиёсати жазоловчи характерга эга бўлган. Узоқ тарихий давр мобайнида вояга етмаганлар ва ўсмирлар жазони ижро этиш муассасаларида катта ёшли жиноятчилар билан бирга сақланган ва бу тажриба уларни тарбиялаш эмас, аксинча янада кучли жиноятчи бўлишига хизмат қилган. Вояга етмаганни жазолашдан ҳимояловчи тизим яратилгунгача бўлган даврда биринчи бор вояга етмаган жиноятчи ҳақида XII жадвал Қонунида жазосини кечириш принципи шаклланган[2]. Унда ёзилишича, вояга етмаган қилмишининг жиноят эканлигини англаб етмаса ва жиноят охирига етмаган бўлмаган бўлса, жазо тайинланишидан воз кечилади. Рим хуқуқида *doli incera*х принципи ёш болаларни жиноий хуқуқбузарликда айбдор бўлиш учун зарур бўлган қобилият ва тушунчанинг етишмаслиги презумпцияси туфайли жавобгарликдан озод қилиш бўйича алоҳида институт сифатида шаклланган. Яна бир қанча тарихий-хуқуқий ёдгорликларга мурожаат қилиш мумкин, масалан муайян ёшга етмаган вояга етмаганни жазодан озод қилиш ҳақида Карл V нинг “Каролина” номли Жиноят қонунида (CL-XXIX модда) 14 ёшга тўлмаган бола гўдаклиги сабабли қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаб етмайди ва шу сабабли уларга ўлим жазоси қўллаш мумкин эмас. Ушбу ҳужжатда истисно ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра боланинг ёши 14га яқинлашган бўлса ва қилмишда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ғараз ният (мотив) етмаётган ёшни қоплаши мумкин ва жазодан кечиш принципи ишламасдан ҳар қандай жазо, хаттоки ўлим жазоси қўлланиши мумкинлиги ҳам ёзилган. Асрлар давомида оғир кечган кураш вояга етмаганлар ишлари бўйича

машхур бўлган Чикаго судининг ташкил этилиши билан вояга етмаганлар ҳуқуқлари таъминланишини яна бир поғона юқорига олиб чиқди.

Ўрта асрлар жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, ўз юриш-туришининг моҳиятини тушунадиган за ўз хатти-ҳаракатини идора қилиш қобилиятига эга бўлган, ақли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланади. Шахсни ақли норасо деб эътироф этиш унинг айбини ва унга белгиланиши лозим бўлган жазони инкор этадиган ҳолат саналади. Жумладан, “Хидоя”да ақли расо, балоғат ёшидаги одам ўн дирхам пул ёки унинг қиймати баробаридаги нарсани ўғирлагани исботланса, қўли кесилади[3], деб қайд этилган. Демак, жиноят субъекти нафақат ақли расо шахс бўлиши, балки унинг маълум бир ёшга, яъни вояга етган бўлиши ҳам шарт эканлиги кўрсатилган. Яна шу асарда “норасида ва руҳий касалликка чалинган шахслар болиға (вояга етган) аёл билан зино қилсалар”, шунингдек, агар қароқчилар ичида норасида ёки ақли норасо ёки маҳрами (бунда аёл киши кўзда тутилган) бўлса, ҳаммаси ҳаддан озод қилинади, деб қайд этилган булиб, бунда ақли норасо, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноятлар содир этилганда, ҳад туридаги жазо қўлланилмаслиги кўзда тутилган. Биз танишган шариатга доир кўплаб илмий асарларнинг деярли барчасида жиноят содир этган шахсни жиноят субъекти деб таниш учун у маълум ёшга етган ва ақли расо бўлиши лозим эканлиги зикр этилган. Мисол учун, ханафий мазҳаби асосчиларидан бири Абу Юсуфнинг ёзишича, балоғат ёшига етмаган, шубҳали ҳолатларда эса 15 ёшга тўлмаган ўсмирларга, шунингдек, хайз кўрмаган ёки 15 ёшга тўлмаган қиз болаларга ҳам ҳаднинг бирор-бир тури белгиланмаган. У ўз фикрини назарий жиҳатдан асослаш мақсадида ҳадислардан қуйидаги мисолларни келтирган. Ухуд жанги давом этаётганида, деб таъкидлайди муаллиф. – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) кейинчалик халифалик лавозимини эгаллаган Абдулло ибн Умарни шу жангга юбориш мақсадида ёши неччида эканини сўраган эканлар. Шунда Ибн Умарнинг 14 ёшдалигини билиб, “ҳали ёш экансан”, деб уни жангчилар сафига қабул қилмаганлар. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг яна Умарни чақириб, неча ёшга кирганини сўраб, унинг 15 ёшга тўлганини эшитгач, унга ҳам жанг қилиш учун руҳсат берган эканлар. Абдулло ибн Умар халифа бўлган пайтида саҳобалардан бири бу ҳақда унга эслатганида, у бу ёш болалар билан катталар орасида чегара, деб жавоб бериш билан бирга, жойлардаги ҳокимларга (волий) “кимда-ким ўн беш ёшга тўлган бўлса, уни ҳарбийлар сафига қабул қилинсин, бу ёшга етмаганларни болалар қаторида моддий жиҳатдан таъминланишига ёрдам беринглар”, деган мазмунда хат юбортирган экан. Шунингдек, халифа Абу Бакр ҳузурига вояга етмаган, ўғрилиқ жиноятини содир этган ўсмир келтирилганида, унга жазо қўлланилмаган. Шунда даврадаги шайхлардан бири “бу ўсмир 15 ёшга тўлса, унинг берган гувоҳлиги қабул қилинади ва, албатта, ўшанда унга нисбатан ҳад жазоси қўлланилади”[7], деб жавоб берган экан.

Шариатда балоғат ёши кизлар учун - 9, ўғил болалар учун - 12 ёш қилиб белгиланган. Лекин 9 на 12 ёш вояга етганликни белгиловчи энг кичик ёшлар бўлиб, мусулмон ҳуқуқида умумий балоғат ёши 15 ёш деб белгиланган. Демак, 15 ёшга тўлиб жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, яъни жазолаш мумкин бўлган. Бироқ, турли мазҳабларга мансуб ҳуқуқшунос олимлар 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган жиноятчи ўсмирларга нисбатан фақатгина таъзир туридаги жазо чорасини қўллаш ҳақида турли-туман фикрларни билдирганлар.

Уларнинг бу борадаги фикрлари ҳам мунозаралидир. Умуман олганда, мусулмон жиноят ҳуқуқида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган, вояга етмаган айбдорларга нисбатан енгил жазо – таъзирнинг 19 даррагача уриш, огоҳлантириш, жамоат иззаси ва ҳоказо турлари қўлланилган. Аммо юқорида қайд этганимиздек, ўсмирларга нисбатан хад, қасос ёки товон жазо турлари ўрнига фақатгина таъзир туридаги жазодан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобловчи айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ҳам учратишимиз мумкин. Қисқаси, мусулмон ҳуқуқидаги ханафий мазҳаби ҳуқуқшунослари 15 ёшга тўлган ва ақли расо шахслар жиноят субъекти бўла олади, деб ҳисоблаганлар.

Америка Қўшма Штатларида вояга етмаганлар бўйича ихтисослашган судлар ва қонуний асослар XIX асрда пайдо бўла бошлаган. 1899-йилда Иллинойс штатида биринчи марта вояга етмаган шахснинг ҳаракатлари бўйича биринчи суд мажлиси бўлиб ўтган. Иллинойсдаги Вояга етмаганлар суди қонуни (The Illinois Juvenile Court Act) 1899-йилда қабул қилинган ва АҚШда вояга етмаганлар учун адлия тизимининг тарихи, мақсади ва тузилишидаги биринчи вояга етмаганлар судини яратган.

Бунгача бўлган даврда уларга нисбатан вояга етган шахс сифатида суд мажлислари олиб борилган. 1880-1920 йиллар оралиғида иммиграция тўлқини кучайди ва одамлар шаҳарларга кела бошлади. Айниқса, урбанизация натижасида кўчада қолиб кетган кўплаб ёшлар томонидан катта шаҳарларда жиноят содир этиш ҳолатлари кучая бошлади. Натижада, ҳар бир штат ўзининг вояга етмаган шахслар бўйича қонунчилгини белгилай бошлади. Шу сабабдан ҳозиргача штатлар ўртасидаги вояга етмаганлар одил судловида жуда ҳам катта тафовутлар мавжуд.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича биринчи судлар биринчи марта Prince v. Massachusetts ишида (1944 й) ифодаланган “*parens patriae*” фалсафаси остида ишлаган. Бу фалсафа давлатнинг “ота-она сифатида” ҳаракат қилиши мумкинлигини англатарди ва вояга етмаганлар ишлари бўйича судларга суд амалдорлари аралашуви боланинг манфаатларига мос деб ҳисобласа, аралашини ҳуқуқини берди.

Parens patriae ёшларнинг жинсий хатти-ҳаракатларини ҳал қилиш учун яратилган бўлса-да, бу фалсафанинг яратган тизимнинг ваколатлар тобора кенгайиб борди ва доимий равишда судда муҳокама қилинарди. Вояга етмаганларга оид адлия тизимини шакллантиришга ёрдам берган бир қанча муҳим ҳолатлар юзага келди. Шу тариқа вояга етмаган шахслар бўйича адлия тизими АҚШда шаклланиб борди.

Францияда вояга етмаганлар жиноятчилиги бўйича, фақат XVIII асрга келиб, замонавий моддий ва процессуал ҳуқуқнинг буюк ғояларини ўз ичига олувчи реал ўзига хос процессуал қоидалар пайдо бўлди. 1945 йил 2 февралдаги “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги хартияси” деб номланувчи ҳужжат қабул қилинди ва ушбу соҳадаги қонунчилик ривожининг энг юқори нуқтаси ҳисобланади.

Ушбу қонуний ҳужжат доимо ҳеч қандай чекловларсиз қўлланиладиган учта муҳим тамойилга асосланади: жавобгарликдан кўра реабилитациянинг устунлиги, юрисдикцияларнинг ихтисослашуви ва кам аҳамиятли жиноятлар учун жавобгарликдан озод қилиш.

Германия жиноят ҳуқуқида вояга етмаганлар билан боғлиқ деб Jugendgerichtsgesetz деб аталадиган алоҳида бўлим мавжуд, шунингдек, “Вояга етмаган шахслар одил судлови тўғрисида”ги қонун 1953-йилда қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун 1923-йилда қабул қилинган “Вояга етмаганлар судлови тўғрисида”ги қонунни тўлдирди. Бу қонун моддий ва процессуал қоидаларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Японияда Токугава ҳукуматининг қулашига олиб келган Мейдзи ислохотлардан сўнг, янги ҳукумат Япониядаги турли ижтимоий тизимларни, жумладан сиёсат, иқтисодиёт, таълим ва ҳуқуқни модернизация қилиш ёки ғарбийлаштиришга ҳаракат қилди. Шу сабабли, Мейдзи даврида (1868-1912 й) Японияда барча соҳаларда Европа давлатларидан олиб келинган қонунлар жорий этилди. “Кўп қатламли” ҳуқуқий маданият кузатилди. (Кониши 2013). Тарихий жиҳатдан, Япония ҳуқуқий тизимлари маҳаллий қонунлар, Хитой ҳуқуқи, Франция ҳуқуқи, Германия ҳуқуқи, Америка қонунлари ва бошқа мамлакатлар қонунлари таъсирида ривожланган. Бу қонунларнинг турли элементлари Япония ҳуқуқида тўпланган. Шундай қилиб, япон ҳуқуқий маданияти ўзига хос хусусиятлардан бири сифатида хилма-хил тажрибаларни ўз ичига олади. Жиноий одил судловни модернизация қилиш учун биринчи марта 1880-йилда француз қонунчилигига асосланган Жиноят кодекси эълон қилинган. 1907-йилда Германия қонунчилигига асосланган янги, замонавийроқ Жиноят кодекси қабул қилинган.

Таишо даврида (1912-1926) қонуннинг ижобий томонлари Японияда ҳам тарқалди. Натижада, Диет 1922-йилги “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилди, бу қонунга Американинг вояга етмаганлар адлия тизими таъсир кўрсатди. Американинг вояга етмаган болалар адлия тизимидан фарқли ўлароқ, Японияда Вояга етмаганлар трибуналлари вояга етмаган жиноятчилар учун суд мажлисларини ўтказдилар. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ушбу судлар суд ҳокимиятининг бўлими эмас, балки Адлия вазирлиги таркибига кирувчи маъмурий орган эди. 1922-йилги “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги Қонунга биноан, прокурор вояга етмаган ҳуқуқбузарларни бошқариш бўйича кенг ихтиёрий ҳуқуққа эга эди. Фақатгина давлат айбловчиси вояга етмаганлар устидан жиноят ишини қўзғатгандан ва уни Вояга етмаганлар ишлари бўйича судга юборгандагина ушбу суднинг судьяси ишни кўриб чиқиши мумкин эди. Мазкур қонунда Фуқаролик кодексига асосан вояга етганлик ёши 18 ёш этиб белгиланди. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун билан бир вақтда 1922-йилда “Тузатиш мактаби тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинган. Ҳимоя чораларининг бир варианты сифатида судья балоғатга етмаган жиноятчини ушбу Тузатиш мактабига (Kyousei-In) юбориши мумкин эди.

Шоу даврида (1926-1989), Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, мавжуд “Вояга етмаганлар” қонуни тубдан қайта кўриб чиқилди. 1948-йилдаги ушбу Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун Япония ҳукумати, хусусан Адлия вазирлиги ва Иттифоқдош Кучлар Олий Қўмондонлиги Бош штаб-квартираси ўртасидаги музокаралар натижасида ишлаб чиқилган. Шу сабабли, ушбу янги вояга етмаганлар қонуни Американинг вояга етмаганларга оид адлия тизимининг хусусиятларини янада кучлироқ акс эттирди. Ушбу қонунга мувофиқ, вояга етмаганларнинг муаммолари суд ҳокимиятининг бир тармоғи бўлган Оилавий суд (Family court)нинг юрисдикциясига киритилган. Оила суди судьяси вояга

етмаганларга нисбатан жиноят ишини давлат прокурорига юбориш тўғрисида қарор қабул қилгандагина, бу давлат прокурори ушбу вояга етмаган шахсни содир этган жинояти учун жавобгарликка тортиши мумкин. Қолаверса, мазкур Қонунда вояга етганлик ёши 18 ёшдан 20 ёшга кўтарилди.

Россия жиноят қонунчилигида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институти ривожланиши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Вояга етмаганларга нисбатан Россияда 1866 йилдан бошлаб шартли равишда муддатидан олдин озод қилишга йўл қўйилган. 1866 йил 5 декабрдаги “Вояга етмаган жиноятчиларни маънавий тузатиш учун бошпана ва колониялар ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида бундай маҳкумлар муассаса маъмурияти томонидан озод қилиниши белгиланган. Бош қамоқ бошқармаси маълумотларига кўра, 1897 йилда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган вояга етмаганларнинг 30% га яқини жазони ўташдан шартли равишда озод қилинган[8].

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб Ўз ССРнинг 1926 йилда қабул қилинган биринчи жиноят кодексида Иккинчи бўлим Умумий қоидаларнинг 25-бандида “медико-педагогик характердаги социал муҳофаа чоралари ўн икки ёшга тўлмаган вояга етмаганларга тадбиқ қилиниши лозим”, деб белгиланган. Унга кўра, СССР МИК ва ХКСнинг “Вояга етмаганлар ўртасидаги жинояткорлик билан кураш чоралари тўғрисида”ги 1935 йил 7 апрелдаги қарорида белгиланишича: ўғрилиқ қилишда, зўрлик қилишда, баданга шикаст етказиш, майиб қилиш, ўлдириш ёки ўлдиришга суиқасд қилишда айбланган вояга етмаган болалар ўн икки ёшдан бошлаб жиноий жазонинг барча чоралари тадбиқ этиладиган қилиб жиноий судга тортиладилар, деб қатъий қоида белгилаб қўйилган. 1959 йилда қабул қилинган Кодексда вояга етмаганлар учун алоҳида моддаларда жавобгарлик масаласи, жазодан озод қилиш институтлари киритилганини кўришимиз мумкин. Вояга етмаганларга жазонинг камида 1/3 қисмини амалда ўтагач муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган. Агар жазодан озод қилиш вақтига келиб вояга етган бўлса, муддатидан илгари муайян шарт билан, агар вояга етмаган бўлса, муддатидан илгари ҳеч қандай шартсиз озод қилинган.

Халқаро ҳуқуқда вояга етмаганлар одил судловига доир концепцияларнинг шаклланиши ва мазмунан ривожланиши ва ўзгариши (кенгайиши) жараёнини қуйидаги даврларга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин:

1-давр. “Juvenile justice” (ювенал юстиция, ювенал адлия, вояга етмаганлар одил судлови) концепцияси биринчи бўлиб 1985 йилги БМТнинг “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар”ида (Пекин Қоидалари) акс эттирилган бўлиб, у қонун билан зиддиятга киришган, яъни жиноят содир қилган вояга етмаганларга нисбатан жиноий юрисдикцияда одил судловни амалга оширишни назарда тутди[9].

“Juvenile justice” атамаси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 1990 йилги “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплар” (Ар-Риёд дастурий принциплари), 1990 йилги “Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалар” (Гавана қоидалари), 1990 йилги “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалар” (Токио қоидалари) каби

халқаро стандартларда ўз аксини топди. Кейинчалик жиноятдан жабрланган ва гувоҳ болалар тоифасини ҳам назарда тутган ҳолда “вояга етмаган” сўзи ўрнида “бола” атамасини қўллаб, БМТнинг бир қатор ҳужжатлари ҳамда илмий-оммабоп нашрларида “juvenile justice” атамаси ўрнига “Қонун билан зиддиятдаги болалар одил судлови” (Justice for children in conflict with law)[10], “Болалар одил судлови тизими” (Child justice system)[11] атамалари қўлланилди. Бироқ моҳиятан улар замирида ҳуқуқбузарлик содир қилган болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишни назарда тутди.

2-давр. Бу даврда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қонун билан зиддиятга кирган болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишни назарда тутувчи “juvenile justice” концепцияси мазмунан янада кенгайтирилиб, жиноятдан жабрланган ва гувоҳ болаларни ҳам одил судлов тизимида ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартлар қабул қилинди, мазкур икки тоифа болалар одил судлови тизимини ўзида жамлаган янги концепция - “justice for children” шаклланди. Бу атама ҳужжатларда “justice for children” (болалар одил судлови ёки болалар учун одил судлов)[12], “child-sensitive justice” (болалар манфаатидаги одил судлов), “child-friendly justice” (болалар учун дўстона одил судлов)[13] кўринишида қўлланила бошлади.

“Болалар одил судлови”, “болалар учун дўстона одил судлов”, “болалар манфаатидаги одил судлов” концепциялари мазмунан ҳуқуқбузарлик содир қилган болалар тоифаси билан бирга жиноятдан жабрланган ва гувоҳ болалар, ҳамда у ёки бу сабабга кўра одил судлов тизими иштирокчиси бўлган (жумладан, мерос, васийликни белгилаш масалаларида) болалар учун тадбиқ этилишини англатади [14]. Мазкур концепциялар одил судлов тизимининг барча турдаги юрисдикцияси (нафақат жиний, балки маъмурий, фуқаролик) доирасида амалда бўлади.

Концепция БМТнинг Жабрланган ва жиноят гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ масалаларда одил судлов бўйича кўрсатмалари (2005)[15], БМТнинг Болалар одил судловига доир ёндашуви бўйича Бош Котиб кўрсатмаларида (2008)[16], БМТнинг Жиноятдан жабрланган ва гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ масалаларда одил судлов бўйича Намунавий Қонуни (2009)[17], Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг Болалар учун дўстона одил судлов бўйича тавсиялари (2010)[18] асосида ишлаб чиқилган.

3-давр болалар учун одил судловни амалга ошириш замирида нафақат суд ва суддан ташқари механизмлар билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва халқаро механизмлардан фойдаланишни ҳам назарда тутувчи “Access to justice for children” (болаларнинг одил судловдан фойдаланиш) концепциясининг юзага келиши билан характерланади. “Access to justice for children” бу фақатгина ҳуқуқ эмас, балки бузилган ҳуқуқларни тиклаш воситаси ҳамдир. АҚШлик Ton Liefwaardнинг (Leiden University) фикрига кўра, болаларнинг одил судловдан фойдаланиш концепцияси сўнгги ўн йилликларда пайдо бўлди ва халқаро инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш дастурларидан мустаҳкам ўрин олди[19].

Болаларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан 2014 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг “Бола ҳуқуқлари: одил судловдан фойдаланиш” (Rights of the child: access to justice for children) бўйича

Резолюцияси[20] қабул қилинди. Одил судловдан фойдаланишни таъминлаш БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ)[21] ҳам киритилди. БРМнинг 16.3 мақсадида белгиланишича, “хуқуқ устуворлиги” миллий ва халқаро даражада таъминланиши ва барча учун (катталар ва болалар учун) одил судловдан фойдаланиш тенг таъминланиши лозим.

БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича Олий Комиссари фикрига кўра, болаларнинг одил судловдан фойдаланиши (access to justice for children) “миллий юрисдикциянинг фуқаролик, маъмурий ва жиноий соҳаларига, шу жумладан одил судловни амалга оширишнинг одатий ва диний механизмларига, халқаро юрисдикцияга ва низоларни муқобил ҳал қилиш ва қайта тиклаш усулларига тааллуқли бўлади” (БМТ Олий Комиссари, 2013, банд. 4)[22].

“Access to justice for children” болалар билан боғлиқ бўлган барча суд муҳокамаларини, шу жумладан, гумон қилинувчи болалар, айбланувчи ёки жиноят содир қилган болалар, жиноятдан жабрланган ва гувоҳ болалар ёки бошқа сабабларга кўра одил судлов тизимига алоқадор бўлган болалар, масалан, ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиш, васийлик ва б. масалаларда” қамраб олади. Бу одил судловдан фойдаланишни кенг маънода тушунишни англатади. Dinah Sheltonнинг фикрича, у нафақат суд механизмлари, балки суддан ташқари механизмлар, шу жумладан, инсон хуқуқлари бўйича институтлар (миллий ва халқаро)дан фойдаланишни ҳам назарда тутди[23].

“Одил судловдан фойдаланиш” (access to justice) инсоннинг асосий хуқуқлари бўлиши билан бирга, уларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади[24].

Юқоридагилардан келиб чиқиб вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтининг ривожланиш тарихини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- қадимги давр – қадимга Римда вояга етмаганлар алоҳида субъект сифатида ажратилгани билан ифодаланади;
- ўрта асрлар даври – исломнинг кенг тараққий этиши ва шариат қоидаларида вояга етмаганларнинг алоҳида институт сифатида ажралиб чиқиши билан боғлиқ давр;
- совет даври – 1926 ва 1959 йилдаги жиноят қонунларининг амал қилиши;
- мустақиллик даври – 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг ЖК қабул қилиниши билан бошланади.

Вояга етмаганларни жавобгарлик ва жазодан озод қилиш қўлланиши турли вақтларда давлатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг ҳолати ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар кўпайиши ёки камайиш ҳисобига ўзгариб борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Veillard-Cybulski M. et H. Les jeunes délinquants dans le monde. Neuchâtel, Suisse, 1964. P. 65-66. King P. Decision-makers and criminal Law. 1750-1800 II Hist. Journal 1984. Vol. 27. No 1. P. 25-58.

2. Robert Ph. *Traité de droit des mineurs. Place et rôle dans évolution de droit français.* Besanson, 1969. P. 59-62.
3. Бурхонидин Марғинович. Хидоя (араб тилида). 1 жилд, Бом- бей; Мустафо босмахонаси, хижрий 1302-1304 й., 518-бет.
4. Топилдиева Дилрабо КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УБИЙСТВА ПРИ ОБНАРУЖЕНИИ РАСЧЛЕНЕННОГО ТРУПА // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kriminalisticheskaya-harakteristika-ubiystva-pri-obnaruzhenii-raschlenennogo-trupa> (дата обращения: 27.08.2023).
5. Турабаева З. Я., Венедрикова О. Н. МЕРЫ, АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ: ПРОБЛЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ К НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМ // THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 53-60.
6. Турабаева З. Я. АНАЛИЗ ОПЫТА ОСВОБОЖДЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОТ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ПРАВОВЫХ СИСТЕМАХ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН // Results of National Scientific Research International Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 60-82.
7. Мухтасар. Т.: Чўлпон, 1994. 332-бет.
8. Богданов. М.А. Эволюция института условно-досрочного освобождения в российском законодательстве: теоретический и историко-правовой аспекты. : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Владимир ВЮИ ФСИН России. 2011. С. .226
9. Interagency Panel on Juvenile Justice, Justice for Children Factsheet, 2012.
10. Justice in Matters Involving Children in Conflict with the Law. Model Law on Juvenile Justice and
11. Related Commentary. New York, 2013.
12. CRC/C/GC/24. Замечание общего порядка № 24 (2019) о правах ребенка в системе правосудия в отношении детей.
13. Guidance Note of the Secretary-General. UN Approach to Justice for Children. 2008.
14. Guidelines of the Committee of Ministers of the Council of Europe on child-friendly justice. Council of Europe, October 2011.
15. Защита прав ребенка в системах уголовного правосудия. Руководство для обучения и справочно-информационный ресурс для специалистов и должностных лиц, принимающих участие в разработке политики в области правосудия для детей. Penal Reform International, 2013 г.
16. ECOSOC Resolution 2005/20.
17. <https://www.un.org/ruleoflaw/blog/document/un-common-approach-to-justice-for-children/>
18. Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime. Model Law and Related Commentary. New York, 2009.
19. Guidelines of the Committee of Ministers of the Council of Europe on child-friendly justice. Council of Europe, October 2011.
20. Topildieva Dilrabo Mirshakhidovna, . (2023). EXAMINE THE DISMEMBERED CORPSE AND THE LOCATION (S) OF THE CORPSE. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 5(02), 24–31. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume05Issue02-05>

21. Abdurasulova, K. (2021). Stages Of Formation Of Criminological Doctrines In The Republic Of Uzbekistan And Some Tasks Of Modern Criminological Science. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(10), 40–51. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume03Issue10-08>

22. Kumriniso Abdurasulova, ., & Razia Buranova, . (2023). ANALYSIS, ASSESSMENT AND FORECAST OF THE CRIMINAL SITUATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 5(07), 47–58. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume05Issue07-09>

23. Доступ к правосудию для детей. Доклад Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека. A/HRC/25/35. <https://undocs.org/ru/A/HRC/25/35>

24. Shelton, D., *Remedies in international human rights law* (Oxford: Oxford University Press, 2015). doi:10.1093/acprof:oso/9780199207534.001.0001.

25. *Access to Justice for Children in the era of COVID-19: Notes from the Field*. New York: United Nations Children’s Fund (UNICEF), 2020. – 11 б.